

Тамғалар ва... шайтон



17:23 / 22.11.2017 5406

Холисона фикр, адолатли (объектив) таҳлил – киши шахсиятини юксалтиради. Зеро, бу нарсалар атрофни англаш апаратини, яъни онгини ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса – меҳнат, ўз устидан ишлашдир.

Бунинг акси – фикр ва таҳлилдан четланиб, нафсга ёққан нарсани ёқлаб, ёқмаганига нисбатан бирон тамға ўйлаб топиб, босаверишдир.

Осон иш бу – тамға босиш: ўйлаш ҳам керак эмас, таҳлил ҳам, ўрганиш ҳам. Ёқмадими – тайёр тамғани босасиз – иш битди! Тамғаларни ҳодисаларга ҳам, тушунчаларга ҳам, шахсларга ҳам қўлласа бўлади – универсал, қулай восита. Асосийси – меҳнат талаб қилмайди...

Мана шундай «амалиёт» натижасида кўплаб сўзлар истеъмолга кирди.

Бундай сўзларнинг бир тоифаси «параст» қўшимчаси билан якунланади. Уларни яшаш ҳам осон: жиғингизга тегиб турган нарсанинг номини оласиз-да, «параст»ни қўшасиз – тамом-вассалом – тамға тайёр, ёмон кўриб турган одамнингизга босаверинг! У бечора бундай тамғага яраша «хизмат» қилмаганини энди исботласин-чи – овора бўлади! Аламини ичига ютиб, сизга нафрати қўзиб қолаверади.

Бундан ким хурсанд? Шайтон хурсанд! Нега? Чунки, бир тарафдан, инсонлар шу он бир-бирига нафрат қилиб шайтонни хурсанд қилган бўлса, иккинчи тарафдан, инсон таҳлил ва тафаккурни четга суриб қўйиб, ақл эгасига ярашмайдиган йўлни – «тамғачиликни» лозим топди ва шайтонни икки ҳисса хурсанд қилди. Бани инсон қавми аъзосининг ақлан тубанликка мубтало бўлиши эса шайтоннинг энг олий, «тушларида кўрадиган» орзусидир. Адолатли (объектив) таҳлил, тафаккур, ўрганиш – булар воситасида ҳар қандай ҳолат равшанлашади, ҳар қандай ҳолатга нур киради. Шайтон эса мавҳумлик, қоронғулик ва ноаниқликни жондан яхши кўради ва... нурни, ойдинликни «жини суймайди». Зеро, мавҳумлик «ёғдуси» остида шайтон инсонни хоҳлаган куйига ўйнатади.

Инчунун, нафси йўриғига юриб осон йўлни – тамғачиликни ўзига раво кўрган, таҳлилу тааммулни чеккага суриб қўйган инсон шайтоннинг тегирмонига мудом сув қуйиб туради.

Муҳаммад ШАКУР